

БМТ_{НИНГ}

МИНГЙИЛЛИК
ОСТОНАСИДА
ТАРАҚҚИЁТ
СОҲАСИДАГИ
МАҚСАДЛАРИ



БМТга аъзо барча
давлатлар
қуйидаги
мақсадларга 2015
йилга қадар
эришиш
мажбуриятини
олдилар:

1 Қашшоқлик ва очликка барҳам бериш

- Кунлик даромади бир доллардан кам бўлган аҳоли ҳиссасини икки баробар камайтириш
- Очликдан азоб чекаётган аҳоли ҳиссасини икки баробар камайтириш

2 Умумий бошланғич таълимни барқарор этиш

- Ҳар бир ўғил ва қизнинг тўлиқ ҳажмидаги бошланғич таълим олиши учун имкониятлари бўлишини таъмин этиш

3 Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш ҳамда аёллар ва эркаклар танглигини қўллаб қувватлаш

- Жинслар ўртасидаги нотенгликни бошланғич ва ўрта таълим соҳасида, имкони борича 2005 йилга қадар, таълимнинг барча босқичларида ғ 2015 йилдан кечикмай бартараф этиш

4 Болалар ўлимини камайтириш

- Беш ёшгача бўлган болаларнинг ўлимини учдан иккига қисқартириш

5 Оналикни муҳофаза этишни яхшилаш

- Оналар ўлими коэффициентини уч чоракка камайтириш

6 ВИЧ/ОИТС, безгак ва бошқа қасалликларга қарши курашиш

- ВИЧ/ОИТС тарқатилишини тўхтатиш ва касалликликни қисқартириш ишларини йўлга қўйиш

7

Экологик барқарорликни таъминлаш

- Мамлакатларнинг истиқбол стратегияси ва дастурларига барқарор тараққиёт тамойилларини киритиш ва табиий ресурсларнинг йўқола бориш жараёнини ортга қайтариш
- Тоза ичимлик сувидан мунтазам бебахра қолаётган одамлар ҳиссасини икки баробар қисқартириш
- 2020 йилга қадар харобаларда истиқомат қилаётган камида 100 миллион кишининг турмуш тарзини яхшилаш

8

Тараққиёт мақсадларида глобал ҳамкорликни йўлга қўйиш

- Очиқ, бошқариш мумкин бўлган, истиқболли ва эътибордан четда қолмаган савдо ва молия тизимлари ташкил этишни давом эттириш. Бу ҳолда, миллий даражада, шунингдек халқаро миқёсда оқилona бошқарув, тараққиёт ва камбағалликка қарши кураш соҳаларидаги мақсадларга интилиш кўзда тутилади
- Кам тараққий этган мамлакатларнинг алоҳида эҳтиёжларини қондириш. Жумладан: кам тараққий этган мамлакатлардан келадиган экспорт товарларини таъриф ва квоталардан озод этиш, йирик қарзлари бўлган камбағал мамлакатлардан қарзлари залворини енгиллатиш ва икки томонлама расмий қарзларни бекор қилиш бўйича кенгайтирилган дастур, камбағалликни камайтириш йўлини кирган мамлакатларга тараққиёт мақсадларида янада кўпроқ расий ёрдам кўрсатиш
- Денгизга чиқиш имкони бўлмаган ва кичик ороллардан иборат бўлган тараққий этаётган мамлакатларнинг алоҳида талабларини қондириш
- Қарздорлик даражаси узоқ муддатга мўлжалланган нуқтаи назаридан мақбул бўлиши учун тараққий этаётган мамлакатларнинг қарздорлик муаммоларини миллий ва халқаро чора-тадбирлар ёрдамида комплекс тарзда ҳал этиш
- Тараққий этаётган мамлакатлар билан ҳамкорликда ёшларга муносиб ва самарали ишлар топиш имконини берадиган стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш
- Фармацевтика компаниялари билан ҳамкорликда арзон дори-дармонлардан баҳраманд бўлишни таъминлаш
- Ҳусусий сектор билан ҳамкорликда янги технологиялар, айниқса ахборот-коммуникация технологияларидан ҳамма бирдек фондалана олишлари учун чора-тадбирларни қабул қилиш